

Таълим кредити бериш тўғрисида
___ - сонли Шартнома

_____ шаҳри (тумани) “_____” _____ 20__ й.

“Туронбанк” АТБ _____ филиали номидан, _____ йил _____ даги _____ -сонли Ишончнома асосида фаолият юритувчи, Филиал Бошқарувчиси _____, бундан кейин “Кредитор” деб юритилувчи **бир томондан**, Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____ паспорт/ID карта/шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами _____ йил “_____” _____ да _____ томонидан берилган, бундан кейин “Қарз олувчи” деб юритилувчи, **иккинчи томондан** ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____ паспорт/ID/шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами _____ йил “_____” _____ да _____ томонидан берилган, бундан кейин “Биргаликда қарз олувчи” деб юритилувчи, биргаликда “Тарафлар” деб юритилувчилар, ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 _____ (Олий таълим ташкилотининг номи)

(кейинги ўринда – Олий таълим ташкилоти) ва Қарз олувчи ўртасида тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган _____ йил “_____” _____ да тузилган _____ - сонли Шартномага (Контрактга) (кейинги ўринда – тўлов-Контракт) асосан Кредитор _____ курснинг кундузги бўлими талабаси ҳисобланган Қарз олувчига _____ ўқув йилларида Олий таълим ташкилотида ўқиши учун ушбу Шартнома шартлари асосида таълим кредити (кейинги ўринларда – кредит) беради. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчи эса кредит беришнинг умумий қоидаларига (кредитни қайтариш, тўловлилик, муддатлилиги ва ундан мақсадли фойдаланиш шартларига) риоя этган ҳолда кредитдан фойдаланади.

1.2. Кредит Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги 527-сонли “Олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талаблари асосида ажратилади.

2. Кредит миқдори

2.1 Кредит миқдори _____
(суммани рақамларда ва ёзиб кўрсатинг)

ни ташкил этади.

3. Кредит бериш муддати ва шартлари

3.1 Кредит _____ муддатга берилади.
(муддатни рақамларда ва ёзиб кўрсатинг)

3.2 Кредитор ушбу Шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилган кредит суммасини Қарз олувчи томонидан кредит таъминоти белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар Кредиторга тақдим этилгандан сўнг, Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан унинг шахсий ёзма топшириғи асосида Олий таълим ташкилотининг қуйидаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига маблағ ўтказиш йўли билан

(Олий таълим ташкилотининг ҳисобварағи)

3.3 Кредит бўйича маблағлар тўлов-Контракт шартлари асосида ўқиш ҳақидаги шартномасида (контрактида) назарда тутилган ҳолларда ўқишнинг ярим йил ёки тўлиқ бир йил учун тўлов суммасини бир йўла амалга ошириш ёки ўқув йили мобайнида ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини белгиланган тартибда, тенг улушларда Контракт шартларига асосан бўлиб-бўлиб тўлаш йўли билан ўтказилади.

4. Кредитнинг таъминланганлиги

4.1 Қарз олувчи берилган кредитнинг таъминоти сифатида қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этади:

мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови: _____;

учинчи шахснинг кафиллиги: _____;

суғурта компаниясининг Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи Кредитор фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси: _____.

4.2 “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилаларнинг фарзандларига ажратиладиган таълим кредити бўйича гаров ва кафиллик талаб этилмайди.

4.3 “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилалар фарзандларининг Реестрдаги рақами _____ (“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган қарз олувчилар учун).

5. Кредит бўйича фоизлар ва тўловларни тўлаш тартиби

5.1 Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдорида, яъни - йилига _____ фоиз миқдорида белгиланади:

5.2 Кредит бўйича белгиланган фоиз ставка Марказий банкнинг асосий ставкаси туширилиб, кучга кирган кундан бошлаб мутаносиб равишда пасайтирилади ҳамда Кредитор томонидан бир тарафлама ўзгартирилади, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолдирилади.

5.3 Кредит бўйича фоизлар кредит маблағлари Олий таълим ташкилотига ўтказилган кундан бошлаб, кредит суммаси қолдиғига нисбатан кунлик ҳисобланади.

5.4 Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи асосий қарз ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларни ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ белгиланган сумма ва муддатларда қайтаради. Бунда кредит учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш Олий таълим ташкилотига ўтказилган сумма берилган вақтдан, асосий қарзни қайтариш эса Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан Олий таълим ташкилотига таълимнинг ушбу шакли учун расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг (бунда Қарз олувчи айрим курсларда такроран ўқиши ва/ёки ҳарбий хизмат муддатини ўташ даври ҳисобга олинмайди) олти ой ўтгандан кейин еттинчи ойдан бошланади.

5.5 Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

нақд пул тўлаш орқали;

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, нафақалар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича олинадиган бошқа даромадлар ҳисобидан нақд пулсиз пластик карточкалар орқали маблағ ўтказиш йўли билан;

банк пластик карталардаги маблағни пул ўтказиш йўли билан, шу жумладан қарздорнинг, биргаликда қарз олувчининг ва кафилнинг палстик карталаридан ҳам, бунда пластик карталардаги маблағлар ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар,

нафақалар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар, қимматли қоғозлар бўйича олинадиган бошқа даромадлар ва бошқа қонуний манбалар ҳисобидан шакллантирилган бўлиши лозим;

Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг банкдаги омонатлари бўйича ҳисобварағидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш йўли билан;

инфокиосklar, мобил иловалар ёки бошқа электрон тўлов тизимлари орқали тўловларни амалга ошириш йўли билан.

5.6 Кредит ўз вақтида қайтарилмаган ҳолда муддати ўтказиб юборилган асосий қарз суммаси учун фоиз ставка оширилади ва фоиз ставкаси йилига Марказий Банкнинг асосий ставкаси +0.033 фоиз миқдорида белгиланади .

5.7 Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи асосий қарзни (тўлиқ ёки қисман) мазкур Шартномада белгиланган тўлов муддати бошлангунига қадар муддатидан аввал тўлашни амалга ошириш ҳуқуқига эга, бунда муайян тўлов амалга оширилган кундаги ҳисобланган фоиз суммаларини ҳам тўлайди. Кредит муддатидан аввал тўланган ҳолда Кредитор ҳеч қандай кўшимча комиссия ундирмайди.

5.8 Ушбу Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида Кредитор муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида Тарафлар ушбу шартномада келишилган алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида сўндириш жадвалини илова қилган ҳолда хабар беради.

5.9 Қарз олувчининг кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғини тўлаш учун маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, қарздорлик қуйидаги кетма-кетликда ундирилади:

- а) кредит бўйича муддати ўтган фоизлар;
- б) асосий қарз бўйича муддати ўтган қисмига ҳисобланган фоизлар;
- в) кредитнинг асосий қарз бўйича муддати ўтган қисми;
- г) муддати узайтирилган фоизлар;
- д) кредит бўйича муддатли фоизлар;
- е) кредитнинг асосий қарзи бўйича муддатли тўлов.

6. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

6.1 Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг мажбуриятлари:

6.1.1 Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетаётган ҳолда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан аввал қайтариш;

6.1.2 Кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни ушбу Шартномага илова қилинган жадвалга мувофиқ тўлаган ҳолда қайтариш;

6.1.3 Яшаш жойи, иш жойи, фамилияси, ёки исмидаги ва мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир қиладиган бошқа ҳолатларнинг ўзгарганлиги ҳақида 3 (уч) банк куни ичида Кредиторга маълумотнома тақдим этиш;

6.1.4 Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ берилган кредитни мақсадли ўзлаштириш;

6.1.5 Таъминотни расмийлаштириш билан боғлиқ барча харажатларни амалга ошириш ҳамда Кредиторга гаровга тақдим қилинаётган мол-мулкни белгиланган тартибда суғурта қилиш;

6.1.6 Кредитни қайтаришда таъминотга йўналтириш билан боғлиқ расмийлаштириш бўйича барча тўловларни ўз зиммасига олиш.

6.1.7 Кредиторда ва/ёки бошқа банкларда Қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг пластик карталарига хизмат кўрсатиш учун очилган барча банк ҳисобварақларидан мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчининг тегишли валютадаги тўлов мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур суммани акцептсиз ҳисобдан чиқариш тўғрисида ҳақиқий, чақириб олинмайдиган ва сўзсиз талаб қўйиш ҳукукини/фойдаланиш ҳукукини Кредиторга тақдим этиш.

6.2 Кредиторнинг мажбуриятлари:

6.2.1 Молия вазирлигининг мақсадли маблағлари мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу Шартнома шартларига, тўлов-контракт шартларига ва Қарз олувчининг ёзма топшириғига мувофиқ Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан Олий таълим ташкилотининг талаб қилиб олинмайдиган депозит ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан кредит тақдим этиш;

6.2.2 Кредиторнинг мажбуриятлари ушбу Шартнома шартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда таъминот расмийлаштирилгандан ва Молия вазирлигининг мақсадли маблағлари банкка келиб тушганидан кейин кучга киради.

6.2.3 Мазкур Шартномада шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолатларда, муддатидан олдин ундириш сабабларини кўрсатган ҳолда мазкур Шартномада кўрсатилган манзил бўйича Қарз олувчини ёзма равишда хабардор қилиш.

6.2.4 Кредитор томонидан муддати ўтган қарздорликларни сўндириш учун банк ҳисобварағи ёки банк омонатидан, шу жумладан, банк карталаридан эгасининг топшириғисиз ҳисобдан чиқарилганда, кредитор ушбу маблағ ҳисобдан чиқарилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳисобварақ (омонат) эгасига унинг ҳисобварағидан қанча миқдордаги маблағ қандай сабабларга асосан ва кимнинг фойдасига чиқарилганлигини кўрсатган ҳолда хабарнома (маълумотнома) юбориши шарт. Мазкур хабарномалар (маълумотномалар) Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчига мазкур Шартномада белгиланган усулда хабар бериши лозим. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчи хабарнома (маълумотнома) етказиш усулини Кредиторга шахсан ёки почта орқали ёзма ариза тақдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳукукига эга. Бунда қарз олувчидан қабул қилинган ариза Кредитор томонидан унинг кредит йиғмажилдида алоҳида сақланади. Хабарномани (маълумотномани) қарз олувчи/биргаликда қарз олувчига етказиш усули ўзгарганлиги муносабати билан ушбу Шартномага ўзгартиришлар киритиш талаб этилмайди.

6.2.5 Кредитор банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг муҳофаза қилиниши кафолатлайди. Қарз олувчи/ Биргаликда қарз олувчи тўғрисидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ҳукукни муҳофаза қилувчи органларга, судларга, ҳамда Банклараро кредит бюроларига ва бошқа шахсларга истисно тариқасида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳолларда ва ўрнатилган тартибда тақдим этилади.

6.2.6 Кредит бўйича белгиланган фоиз ставка пасайтирилган тақдирда бу ҳақида банкнинг расмий Веб-сайтида эълон қилади.

6.2.7 Кредит бўйича белгиланган фоиз ставка пасайтирилганлиги бўйича янги тўлов графигини қарз олувчи мурожаатига асосан миждозга тақдим этиш.

6.3 Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчининг ҳуқуқлари:

6.3.1 Ушбу Шартномада кўрсатилган ҳажмда, муддатларда ва шартларда кредит берилишини талаб қилиш;

6.3.2 Ушбу акт тузилаётган санада ёки Банкнинг шундай талаб билан мурожаат қилган санасида, Банк олдидаги ўзаро қарздорликни тасдиқловчи Солиштириш далолатномасини имзолаш;

6.3.3 Кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни ушбу Шартномада белгиланган муддатдан олдин қайтариш.

6.3.4 Кредит бўйича белгиланган фоиз ставка пасайтирилганидан сўнг, янги тўлов графигини олиш бўйича Банкка мурожаат қилиш.

6.4 Кредиторнинг ҳуқуқлари:

6.4.1 Қарз олувчи томонидан таъминот сифатида тақдим этилган мол-мулк ҳолатини, Қарз олувчи, биргаликда қарз олувчи ва Кафилнинг тўлов қобилиятини назорат қилиш;

6.4.2 Кредит бўйича муддати ўтган фоиз қарздорлиги мавжуд бўлса ёки мунтазам равишда тўлов муддатини ўтказиб келган бўлса, кредитор қарз олувчига тўлов-контрактнинг навбатдаги қисми бўйича таълим кредитини ажратишни рад этиш;

6.4.3 Қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари вужудга келса, Кредитор ўз ихтиёрига кўра қуйидаги ҳаракатлардан исталганини қўллаши мумкин:

a. Кредит ўз вақтида қайтарилмаган ҳолда муддати ўтказиб юборилган асосий қарз суммаси фоиз ставкасини кўпайтириш (амалдаги фоиз ставкаси+0.033).

b. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчига мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганлиги ҳақидаги ёзма хабарномани, уни бартараф этиш муддатини белгилаган ҳолда юбориш;

c. Мазкур Шартномада ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчидан кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан аввал қайтаришни талаб қилиш;

d. Гаров шартномасида белгиланган тартибда (гаров шартномаси тузилган ҳолда) ва амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ундиришни кредит бўйича таъминотга қаратиш;

e. Ушбу Шартномада кўрсатилган тартибда мазкур Шартномани бекор қилиш;

f. ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши қўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;

g. Банк олдидаги ўзаро қарздорликни тасдиқловчи Солиштириш далолатномасини имзолашни талаб қилиш;

h. Тўловларнинг бирортаси бўйича муддати ўтган қарздорликлар юзага келганда, тегишли фоизлари билан бирга кредитнинг тўлиқ миқдорини муддатидан олдин қайтариш бўйича нотариал ёзув билан мурожаат қилиш;

i. Суд ёки суддан ташқари тартибда кредитнинг тўлиқ миқдорини ҳисобланган фоизлари билан қайтаришни, шунингдек бу билан чекланмасдан нотариуснинг ижро ёзувлари орқали қайтаришни талаб қилиш.

j. Ушбу Шартномага ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш;

k. Муддати ўтган қарздорлик юзага келган тақдирда, кредиторда ва/ёки бошқа банкларида Қарз олувчи, биргаликда қарз олувчи ва кафилнинг пластик карталарига хизмат кўрсатиш учун очилган барча банк ҳисобварақларидан мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг тегишли валютадаги тўлов мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур суммани акцептсиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

6.5 Кредитор ўз хохишига кўра, мазкур шартноманинг 7.1 бандининг a, b, c, d, e, f кичик бандларида кўрсатилган ҳолатлар кўрсатилганда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ажратилган кредитнинг тўлиқ суммасини ҳисобланган фоизлари билан бирга муддатидан олдин талаб қилиш;

- ажратилган кредитнинг тўлиқ суммаси ва фоизлари бўйича ҳисобланган пеня (неустойка, жарима), ундирув бўйича чиқимлари билан бирга талаб қилиш;

- кредитни қайтарилишини гаровга қаратиш;
- Кредиторда ва/ёки бошқа банкларда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг пластик карталарига хизмат кўрсатиш учун очилган барча банк ҳисобварақларидан мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг тегишли валютадаги тўлов мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур суммани акцептсиз ҳисобдан чиқариш тўғрисида ҳақиқий, чақириб олинмайдиган ва сўзсиз талаб қўйиш ҳуқуқини/фойдаланиш ҳуқуқини Кредиторга тақдим этиш;

7. Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари

7.1 Ушбу бандда қайд этилган ҳодисаларнинг барчаси ҳар қандай мажбуриятларнинг бажармаслиги ҳолати ҳисобланади:

а. ушбу Шартномада ва ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган кредитни қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар амалга оширилмаганлиги (мунтазам равишда: икки мартта ва унда ортик), шунингдек ушбу Шартномада белгиланган бошқа шартлар бўйича белгиланган санада тўловларнинг амалга оширилмаганлиги;

б. Кредиторни атайлаб ишончсиз, ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар тақдим этган ҳолда чалғитиш;

с. Кредиторнинг ҳулосасига кўра, кредит бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан Кредиторга тақдим этилган таъминотнинг қисман ёки тўлиқ ўз қийматини йўқотганлиги ёки ноҳақиқий бўлиб қолганлиги (гаров шартномаси тузилган ҳолда);

д. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг тўловга қодирлиги ёмонлашганлиги ёки ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг мунтазам равишда бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ ахборотнинг яширилиши;

е. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг Кредитор олдидаги мажбуриятларининг бажарилишига бевосита ва билвосита таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳодисалар;

мазкур Шартнома шартларининг бузилиши;

ушбу Шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар шартларининг (гаров, кафолат, суғурта ва шу кабилар) бузилиши;

Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг Кредитор олдидаги мажбуриятларининг бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳодисалар.

7.2 Зарурат пайдо бўлганда, суд ёки суддан ташқари тартибда яъни нотариуснинг ижро ёзувлари орқали кредитнинг тўлиқ миқдорини ҳисобланган фоизлари билан қайтаришни талаб қилиш.

8. Тарафларнинг жавобгарлиги

8.1 Кредит ўз вақтида қайтарилмаган ҳолда, Кредитор муддати ўтказиб юборилган асосий қарз суммаси фоиз ставкасини кўпайтиради (амалдаги фоиз ставкаси+0.033).

8.2 Қарз олувчи ва Биргаликда қарз олувчи Кредитор олдида Қарз олувчининг мажбуриятларни бажарилиши бўйича солидар жавоб берадилар. Қарздорнинг тўлиқ қаноатланмаган Кредитор бажарилмаган мажбуриятларни бошқа солидар қарздордан яъни Биргаликда қарз олувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.4. Тарафлардан бири мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига, Фуқаролик Кодексига ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.5. Ушбу кредит шартномасида белгиланган Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг жавобгарлиги (неустойка, штраф, пеня) йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда ошмаслиги лозим.

9. Форс-мажор ҳолатлари

9.1 Тарафлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик Шартнома тузилгандан кейин, Тарафлар олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулодда тусдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

9.2 Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига Тараф таъсир кўрсатиши ва уларнинг вужудга келиши учун жавобгар бўлиши мумкин бўлмаган, масалан: zilзила, сув тошқини, ёнғин, шунингдек иш ташлаш, Ҳукумат ҳужжатлари ёки давлат органлари қарорлари, ушбу Шартнома предметини бажаришга тўсқинлик қилувчи исталган тусдаги ҳарбий ҳаракатлар киради.

9.3 Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланадиган Тараф бошқа Тарафни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда зудлик билан хабардор қилиши шарт, шу билан бирга исталган Тарафнинг талабига кўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак.

9.4 Агар Шартноманинг ушбу бўлимида кўрсатилган энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари уч ойдан кўп вақт давом этса, у ҳолда ҳар қайси Тараф бошқа Тарафни хабардор қилган ҳолда ушбу Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Тарафлар белгиланган тартибда ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилган ва бажарилмаган қисмлари бўйича якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

10. Низоларни ҳал этиш

10.1 Келишмовчиликлар ва/ёки ушбу Шартномада назарда тутилмаган низоли вазиятлар пайдо бўлган ҳолларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда уларни музокаралар йўли билан ҳал этадилар. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун суд органларига берилади.

11. Шартноманинг амал қилиш муддати, ўзгартириш ва бекор қилиш

11.1 Ушбу Шартнома Тарафлар уни имзолаган ва кредит таъминоти расмийлаштирилган вақтдан бошлаб кучга киради ва ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунигача амал қилади.

11.2 Қарз олувчи томонидан ушбу Шартноманинг 4-бўлимига мувофиқ белгиланган кредит таъминоти бўйича ҳужжатлар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган ва зарур ҳужжатларни 30 (ўттиз) банк куни ичида тақдим этилмаган ҳолда Кредитор ушбу Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

11.3 Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар (Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган ҳолатлар бундан мустасно) ёзма равишда, Қўшимча келишув шаклида, Тарафлар томонидан имзоланган ҳолда расмийлаштирилади.

11.4 Мазкур Шартномани бекор қилиш Тарафларнинг келишувига ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

12. Қўшимча шартлар

12.1 Ушбу Шартнома бўйича Тарафларнинг мазкур Шартнома билан тартибга солилмаган муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

12.2 Ушбу Шартнома Тарафлардан ҳар бири учун, бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилган.

13. Тарафларнинг юридик манзиллари, кредитор реквизитлари, имзолари:

Кредитор:	Қарз олувчи: Яшаш манзили:	Биргаликда қарз олувчи: Яшаш манзили:
<hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/> <hr/>	<hr/> <hr/> <hr/>	<hr/> <hr/> <hr/>
	паспорт рақами: _____ <hr/>	паспорт рақами: _____ <hr/>
	томонидан _____ йил « _____ » _____	томонидан _____ йил « _____ » _____
	да берилган СТИР _____ -	да берилган СТИР _____ -
Ф.И.Ш. _____ <hr/>	Ф.И.Ш. _____ <hr/>	Ф.И.Ш. _____ <hr/>
Имзо _____ <hr/>	Имзо _____ <hr/>	Имзо _____ <hr/>
« _____ » _____ <hr/>	« _____ » _____ <hr/>	« _____ » _____ <hr/>

“Мен, _____ (Қарз олувчининг тўлиқ фамилия, исми, шарифи) ушбу билан Кредиторда ва/ёки бошқа банкларда менинг пластик карталаримга хизмат кўрсатиш учун очилган барча банк ҳисобварақларимдан мазкур Шартнома бўйича мен томондан қабул қилинган тегишли валютадаги тўлов мажбуриятларимни амалга ошириш учун зарур суммани акцептсиз ҳисобдан чиқариш тўғрисида ҳақиқий, чакириб олинмайдиган ва сўзсиз талаб қўйиш ҳуқуқини/фойдаланиш ҳуқуқини Кредиторга тақдим этаман.

Шунингдек, банк сирини ташкил этувчи маълумотни, яъни менга ажратилган таълим кредитини қоплаш учун Кредитор томонидан банк карталаридан чиқим қилинган маблағлар тўғрисидаги хабарномани (маълумотнома) зарурият туғилганда шахсан ўзим банкдан бориб олишимни маълум қиламан.

Менинг номимга очилган қуйидаги пластик карталарнинг рақамлари, амал қилиш муддати:

1. _____;
2. _____;
3. _____;

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

“Мен, _____ (Биргаликда қарз олувчининг тўлиқ фамилия, исми, шарифи) ушбу билан Кредиторда ва/ёки бошқа банкларда менинг пластик карталаримга хизмат кўрсатиш учун очилган барча банк ҳисобварақларимдан мазкур Шартнома бўйича мен томондан қабул қилинган тегишли валютадаги тўлов

мажбуриятларимни амалга ошириш учун зарур суммани акцептсиз ҳисобдан чиқариш тўғрисида ҳақиқий, чақириб олинмайдиган ва сўзсиз талаб қўйиш ҳуқуқини/фойдаланиш ҳуқуқини Кредиторга тақдим этаман.

Шунингдек, банк сирини ташкил этувчи маълумотни, яъни *Қарз олувчи* _____га ажратилган таълим кредитини қоплаш учун Кредитор томонидан банк карталаридан чиқим қилинган маблағлар тўғрисидаги хабарномани (*маълумотнома*) зарурият туғилганда шахсан ўзим банкдан бориб олишимни маълум қиламан.

Менинг номимга очилган қуйидаги пластик карталарнинг рақамлари, амал қилиш муддати:

1. _____;
2. _____;
3. _____;

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

Кредитнинг тўлиқ қиймати		
1	Кредитнинг асосий қарзи	
2	Асосий қарз бўйича фоиз тўловлари	
3	Бир марталик комиссиялар	-
4	Кредит қайтмаслик хатари суғурта полиси	-
5	Гаров мулки суғуртаси	-
6	Гаровни баҳолатиш	-
Жами		-
<i>(жами сумма сўз билан)</i>		